



«Ташавтомаш» заводи машина-созлари партиянинг Марказий Комитети Пленумини планда ташқари 535 та «ПТС-3-708» марказли пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган принцеп ишлаб чиқариш билан кутиб олган эдилар. Улар Яил охиригача белгиланганидан 600 та кўп принцеп ишлаб чиқаришга сўз бердилар. Суратда: корхонанинг ишлаб чиқариш илгорлари (чадан) слесарь Мансур Сейтмамбетов, пайвандчи Нурлибой Абдалимов, бўёқчи Ксения Пилина, пайвандчи Евгений Войденко, участка мастери Дехтон Шомираев, бўёқчи Мария Мельникова, слесарь Михаил Симанов, пайвандчи Бурибой Войсентов, слесарь Степан Хамбуралин ўрғонлар. Улар янги ренкалар ҳақида суҳбатлашмоқдалар.

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-ЙИЛ ЧИҚИШИ  
№ 238 (2271),  
30  
НОВАБРЬ  
Ж У М А  
1962 ЙИЛ  
БАҲОСИ  
2 ТИЯН

## ЗАМОНДОШИМГА

Хавотирда эзилиб янқа,  
Севганинга айтолмай сиринг,  
Билломасдинг сен ўз  
тақдиринг...  
Аммо тонгда яна иккинчи,  
Битта она туққандай эғиз,  
Иўд олардик яна ижодга,  
Чўмар эдик нишга, ҳаётга.  
Куй узурроқ чўзилса, дердик,  
Тунинг уйи бузилса, дердик!  
Замондошим, гуркира, кувон!  
Ўз ишига тушди бу замон,  
Ленин руҳи тирилди яна  
Ленин иши қилди тавтани!  
Ишонсизлик ёмон тушсимон  
Уйимизни тарк этди тамош,  
Унут оғир кечаларинг!  
Зажирланган режаларинг  
Ишонч билан ҳақингга тошир,  
Ижодингиз булоқдай тошир!  
Нобригиз тонг серкуёш,  
Бағрингиз оч, азиз замондош!  
Ленин сенинг рўхингда тирки.  
Сен Лениннинг ишига шерис.  
Коммунизм сенинг ишингиз,  
Жанг, меҳнатинг,  
итилшингиздир.

Битта она туққандай эғиз,  
Бутун нурин тонгда иккинчи,  
Партиянинг йўлида бардам  
Келажакка юрамиз хуррам.  
Сафимизда бутун юрт, замон,  
Худди сендек бахтиёр омон,  
Тиланга ишонч ёрлар,  
Чунки азиз бошида улуг,  
Ота Ленин руҳига тўлуғ  
Партияси, ЦЕКАси бордир!  
29 ноябрь 1962 йил.

## ҚАЗИР ҚУТЛАЙМИЗ

ЧИНОЗ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети зўр қониқчи билан қай қилдиларки, Чиноз районининг қолхозчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва барча меҳнаткашлари партия XXII съезди қарорларини бажариш учун курашиб, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми шарафига муваффақлашиб давлатга пахта сотиш планини мўддатдан илгари бажардилар. Тайёрлов пунктларига 26237 тонна пахта топширилди.

Районнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга қўшимча равишда 2000 тонна пахта топшириш мажбуриятини зиммаларига олдилар.

Шунингдек район давлатга гўшт, жуи, туҳум, пилла, сабаъот ва дон топшириш планларини ҳам мўддатдан илгари бажарди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Чиноз районининг қолхозчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия, совет, касабаси союзу ва комсомол ходимларини, ҳамма меҳнаткашларини эришилган муваффақиятлар билан қизгин табриклайдилар ва ишонч билдирадиларки улар еттиштирилган барча ҳосилни тез кунлар ичида йиғиштириб оладилар ва тайёрлов пунктларига топширадилар, шугорлашни ва бошқа кузги-қишқи тадбирларни ўз вақтида ва юқори сифатда ўтказиш учун бутун куч-гайратларини сарфлайдилар молларнинг тўқ ва иссиқ қишлоқнинг таъминлайдилар, пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривонлантиришида янги ютуқларга эришадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ  
СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ  
ЎЗБЕКИСТОН ССР  
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини барқ урдириб юборди, Совет ҳақиқи эконоимикани ривонлантириш ва халқ хўжалигига партия раҳбарлигини яхшилашга енг шимариб қиришмоқда. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» нинг бугунги сони ана шунга бағишланган.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советида  
КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИ ТУЗИШ Тўғрисида

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар:  
КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Партия-давлат контроли комитети тузилсин.

К П С С С С С Р  
МАРКАЗИЙ ОЛИЙ СОВЕТИ МИНИСТРЛАР  
КОМИТЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СОВЕТИ

Москва, Кремль, 1962 йил 27 ноябрь.

## ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ КОЛЛЕКТИВ ТАЖРИБАСИ, КОЛЛЕКТИВ ИДРОКИ ХАЛҚ Хўжалигига раҳбарликни яхшилаш юзасидан белгиланаётган тадбирларни амалга оширишнинг энг яхши йўллари кўрсатиб беради.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

Партиянинг Марказий Комитетининг ноябрь пленуми КПСС XXII съезди тархки қарорларини амалга ошира бориб, раҳбарлигининг ленинча принципларини янада юксак даражада кўтариб, халқ хўжалигига партия раҳбарлигини янада яхшилашга қаратилган катта революцион тадбирларни белгилади. Пленум партия ва давлат қўрилиши, халқ хўжалигини бошқаришга донр ҳозирги кунинг тўб масалаларини ишлаб чиқди.

Ушунга қараганда партия таъшиқ тоғани дастлабки қилардан оқ юрдан дастга контролни ташкил қилиш ва ижронга текшириш жуда катта аҳамият берди: «КИШИЛАРИНИ ТЕКШИРИШ ВА ИШИНИНГ ҲАҚИҚИ ИЖРОСИНИ ТЕКШИРИШ КЕРАК, — БУТУН ИШИНИНГ, БУТУН СИЕСАТИНИНГ МОҲИЯТИ ЭНДИ АНА ШУНДАДИР. ФАҚАТ ВА ФАҚАТ ШУНДАДИР».

Ушунга қараганда партия таъшиқ тоғани дастлабки қилардан оқ юрдан дастга контролни ташкил қилиш ва ижронга текшириш жуда катта аҳамият берди: «КИШИЛАРИНИ ТЕКШИРИШ ВА ИШИНИНГ ҲАҚИҚИ ИЖРОСИНИ ТЕКШИРИШ КЕРАК, — БУТУН ИШИНИНГ, БУТУН СИЕСАТИНИНГ МОҲИЯТИ ЭНДИ АНА ШУНДАДИР. ФАҚАТ ВА ФАҚАТ ШУНДАДИР».

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети қарор қилдилар:  
КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Партия-давлат контроли комитети тузилсин.

Ишлаб чиқариш бошқармалари	(Планга нисбатан процент ҳисобида)		
	Бир кунда	Маъсумдан бери	Қоп-қанорсиз ташин
ТОШКЕНТ	0,03	107,38	145,29
Янгийўл	0,15	98,66	119,06
Янгиер	0,26	80,39	96,72
Чирчиқ	0,14	78,06	97,50
Сирдарё	0,22	63,47	87,35
РАЙОНЛАР			
ҚУЙИ ЧИРЧИҚ	0,16	121,03	129,55
ОРЖОНКИДЗЕ	0,02	102,48	141,61
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	0,04	100,30	100,88
ЧИНОЗ	0,05	100,24	130,50
Ўрта Чирчиқ	0,18	89,94	109,65
Янгийўл	0,24	89,61	113,16
Янгиер	0,27	83,37	105,24
Пискент	0,08	82,42	98,83
Бекобод	0,24	76,93	89,89
Бўка	0,14	76,12	105,48
Сирдарё	0,23	71,12	101,43
Оққўрғон	0,13	63,28	77,91
Комсомол	0,23	62,45	82,54
Гулистон	0,17	50,82	87,12
ОБЛАСТ Б'НИЧА	0,18	80,09	101,08

## ЮГОСЛАВИЯ ХАЛҚЛАРИГА САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

Югославиянинг миллий байрами — Республика кун муносабати билан Н. С. Хрушчов ва Л. И. Брежнев ўртоқлар Югославия Коммунистлар союзининг бош секретари, Югославия Федератив Халқ Республикасининг президенти ўртоқ Йосиф Броз Титога табрикнома юбордилар.

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Югославия Федератив Халқ Республикасининг ташқи ишлар давлат секретари Коче Поповичга миллий байрам муносабати билан табрикнома юборди. (ТАСС).

## СУЗ — ПЛЕНУМ КАТНАШЧИЛАРИГА Бахтиёрман

Яқинда жонажон пойтахтимиз Москвада, Катта Кремль Марказий Комитетининг катта, тарихий йиғини бўлиб ўтди. Мен республикамиз коммунистларининг вакили сифатида шу йиғинда иштирок этганим учун ўзимни бахтиёр деб ҳис қилмоқдам. Пленумда халқимиз ҳаётини янада фаровон қилиш, дастурхонимизнинг нақадар тўкин бўлишини таъминлаш хусусида муҳим тадбирлар маслаҳатлашиб олдик.

Бу тадбирлардан бири пахта ҳосилдорлигини кескин даражада оширишдан иборат.

Валентин ТЮПКОВ,  
Ўрта Осет машина синани станциясининг механизатори, Социалистик Меҳнат Қахрамони.

## СИРА УНУТИЛМАС

Қўлар қатори мен ҳам яқиндагина ўз ишини тамолламан КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида иштирок этдим.

Пленум қароридан тегишли хулоса чиқариб олдик. Деҳқонларимиз қолхоз янада гуллаб-яшнаши учун иттилоқдорлар. Бунинг учун эса ҳосилдорликни тинмай ошириш талаб этилади. Азамат пахтакорларимиз бу йил 525 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 47 центнердан ошириб «оқ олтин» кўтардилар. Улар келгуси йили ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил кўтариш учун бел боғладилар.

Хван Ман ГИМ  
Юқори Чирчиқ районидagi «Полиотдел» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қахрамони.

400.000

# ТОННА ТАЙЁР

Тошкент области ўз «оқ олтин»нинг бешдан тўрт қисмини Ва-тан омборига ағдарди. 400.000 тонналик улкан хирмонни яратишда ўз сўзлари устидан чиққан ҚУЙИЧИРЧИҚЛИК, ОРЖОНКИДЗЕЛИК, ЮҚОРИЧИРЧИҚЛИК, ЧИНОЗЛИК олий химмат пахтакорлар салмоқли ўринни эгалладилар. Тўртта катта довон ортимизда қолди. Олдимизда яна битта довон бор. 100.000 тонна ҳосилдими ҳали далада. Азамат пахтакорларимиз, пойгада улоқни олган юқоридаги пеш-кадам районлар ҳам яна бир қамчи боссалар, УРТАЧИРЧИҚЛИК, ЯНГИЙЎЛЛИК, ПИСКЕНТЛИК, БЕКОБОДЛИК, ЯНГИЕРЛИК, СИРДАРЕЛИК, КОМСОМЛЛИК, ГУЛИСТОНЛИК, ОҚҚУРҒОНЛИК, БУКАЛИК деҳқонлар сурьатни кўтарсалар 503 минг тонналик баракали хирмонни бунёд этамиз.

# ЛЕНИНГА ХОС

## ПОЛИМЕРЛАР АСРИ

Синтетик полимерлар материаллари тайёрлаш саноти учун хомашё сифатида нефть, табиий ва санот газлари, целлюлозадан фойдаланилади. Бу хомашёлар эса мамлакатимизда, шахсан Ўзбекистонда жуда сеерб. Эндиги вазифа ана шу хомашёлардан кенг фойдаланиб, химия саноти-ни тобора ривожлантиришдан иборат.

А. ЕҚУБОВ,  
химия фаилари кандидати.

СИНТЕТИК ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРИ, пластмасса, каучук ва сунъий тоғалар ишлаб чиқариш саноти тез суръатлар билан ривожлантириш, полимерлардан, умуман кимё фани ютуқларидан халқ хўжалигида кенг фойдаланиш ҳозирги замон теҳникири. «Победа» колхозда эса кўп ҳосилдорлиги ўтган йилдаги, қараганда иккү баравар кўпайди.

Яқинда ўз ишнин тамомлаган КПСС Марказий Комитети Пленуми қароридан ва ўрток Н. С. Хрущёвнинг Пленумда қилган докладыда худди шу масала юзасидан жуда қimmatли фикрлар айтилди. Пленумда мамлакатимиз экономикасини ривожлантиришда беқиёс аҳамиятга эга бўлган кимё саноти, айниқса синтетик материалларни кўпай ишлаб чиқариш ва уни халқ хўжалигида кенг жорий этиш зарурлиги алоҳида таъкирланди. Бу бечиз эмас, албатта. Чунки, пластмассалар санотиимизда шу пайтгача қimmat таъбиш келайтган кўрғошнинг, мис, рух, қора металллар, ёғоч материалларининг ўриндошларини ҳисоблаб қўймай, улардан кўп жиҳатдан афзал ҳамдирлар.

Синтетик материалларнинг афзаллиги шундан иборатки, унинг солиштирма оғирлиги ниҳоятда кам. Ўзи ишиқ, эластик, кимёвий таъсирларга бардош бераоладиган юқори герметик хусусиятга эга. Шу билан бирга синтетик материаллардан турли хил асбоб, ускуналар, ҳар хил деаэозидни физика, механик хусусиятлари материаллардан ҳам ясаиш мумкин. Ишлатилиш жараёнида қараб улардан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин. Ўзига нам ўтказмайдиған қаттиқ, пўлатдек мустаҳкам деталлардан тортиб эластик, резинага ўхшаш юмшоқ ва чўзилмаган материаллар тайёрлаш мумкин.

Шунинг учун ҳам синтетик полимерлар ишлаб чиқариш жаҳон миқёсида кенгайиб бормоқда. 15-20 йилдан кейин бутун жаҳон миқёсида синтетик полимер материаллардан тайёрланадиган маҳсулот 20—35 миллион кубометрга етади.

Мана шу жараёнда ўсиб бораётган синтетик полимерлар саноти турли хил санотларнинг асосий қуроли бўлиб, бу юксалин асосий полимерлар асри десак адашмаган бўламиз.

Полимерлар асосан бир хил молекуладаги кичик кимёвий моддаларни бир-бирига қўшиб усули билан олинади. Синтетик полимерлар материаллари яқинда энг ишнинг армирланган пластиклар, шунини тўқималари ва полимер тоғалар ҳисобланади.

Говоқли пластмасса, кўпиклар техникада кўпроқ қўлланилади. Бу материаллар сўвдан 10—100 марта енгил. Овоз ўтказмайди, иссиқ ва совуққа чидамли бўлади. Армирланган пластиклар билан говоқли пластикларни аралаштириб янги хусусиятга эга бўлган пластиклар ҳосил қилиш мумкин. Булардан машинасозликда, қурилишда, озиқ-овиқ санотида ва санотнинг бошқа тармоқларида кенг фойдаланиш мумкин.

Синтетик полимер материаллари тайёрлашда полимер таркибига фтор газини кимёвий усулда қўшиб, фторли пластиклар олинади. Бу пластиклар ишиқлиги жиҳатидан рангдан металлларга тенг келади. Шунинг учун ҳам санотда фторли пластиклардан кенг фойдаланиш кўп фойдаланиди.

Маълумки, пластмасса санотида сарфланадиган капитал маблағ қора ва рангли металллар санотида сарфланадиган капитал маблағга қараганда анча кам сарфланади. Буни куйидаги жадвалда яққол кўриш мумкин: 1 тонна маҳсулот тайёрлаш учун сарф бўладиган капитал маблағ (сўм ҳисобида).

ҚОРА МЕТАЛЛ ПРОКАТИ 400—500  
КЎРҒОШИН 1700  
АЛЮМИН 2000  
МИС 2600  
ҚАЛАЯ 33000  
АМИНОПЛАСТЛАР 50  
ПОЛИВИНИЛФЛОРИД 410—460  
ПОЛИСТИРОЛ 150  
ПОЛИЭФИРЛИ СМОЛА 120  
ПОЛИЭТИЛЕН 610—720

КПСС Марказий Комитети Пленуми илмий-тадқиқот ва конструкторлик ташкилотларига раҳбарликни қайта қуриш, уларнинг фаолиятида параллелизм ва тарқоқликни тугатиш, техника сифатига раҳбарликни марказлаштириш тадбирларини амалга ошириш, зарур деб ҳисоблайди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
НОВАБЪР ПЛЕНУМИ ҚАРОРИДАН.

# Партиянинг йўли йўл

И. СОТИБОЛДИЕВ.

Янги йўл территориялар кўлхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг иштирокчиси

риш имконини берди. Бошқарма-мизда чорва моллари сонин ўтган йилдагига нисбатан анча кўпайди. Давлатга гўшт, жуи, тукум сотиш йиллик планлари ортинги билан эга этилди.

Чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш соҳасида Юқори Чирчиқ районидида «Политотдел», Қуйи Чирчиқ районидида Димитров номи, Янги йўл районидида «Шарқ юлдузи» колхозлари яхши натижаларни кўлга киритмоқда-дилар. Юқоридаги хўжаликларда ҳар юз гектар яқинда ер ҳисоби-га бу йил 100 центнердан гўшт етиштирилади. Янги йўл районидида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ориқов расилки қилаётган «Ленинизм» колхози эса, ҳар юз гектар яқинда ер ҳисоби-га 147 центнердан гўшт етиштирди.

Бошқармаимизда қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўлида ҳозир-гача талайгина ишлар амалга оширилди. Даставвал иш экан майдон-диқлар кўлга киритилди. Умумий эгани майдонининг 70 процентига техника экинлари, 12,5 процентига мах-кўнжхори ва 12,5 процентига беда экинли.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтиришда хўжаликларга моҳирона раҳбарлик қилиш мўҳим аҳамиятга эга. Ана шунини ҳисобга олган ҳолда бошқарма қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ро-лини ошириш соҳасида анча иш-лар қилди. Ҳозир бизда далада—аргонум, фермада—зоотехник, устaxonада—инженер асосий фи-гурга ҳисобланади. Бу, ишлаб чи-қариш маданиятини оширишга хў-жаликни—усталик билан бошқар-ишга олиб келди.

Бошқарма ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ қолоқ хўжаликларнинг экономикасини кўтариш тўғрисида жиддий бош қотирди. Бу жуда яхши натижа-ларни берди. Масалан, Қуйи Чир-чиқ районидида «Гулистон», «По-беда» ва Энгельс номи колхоз-лар райондаги қолоқ хўжаликлар-дан ҳисобланарди. Ташкилотчи инспектор ўрток Х. Юсупов бу хўжаликларни чуқур ўрганди. Уларнинг раҳбарларига планлаш-тиришда мўҳнатни ташкил этиш ун-га ҳақ қўлаш кадрларини тан-лаш ва уларни жой-жойига қў-йишда амалий ёрдам кўрсатди. Конкрет, кўмак натижасида ўтган

Яқинда ЖОНАЖОН БАТАНИМИЗ ПОИТАХТИ МОСКВА-ДАН қайтиб келдим. У ерда Коммунистик партияимиз Марказий Комитетининг тарихий Пленумида иштирок эгдим. Катта Кремль Са-ройида ўтган ҳар бир дақиқа мен-га олам-олам қувонч бахш этди. Катта минбардан туриб сўзлаган ҳар бир кишининг нутқини диққат билан тинглаб эканман, кўз ол-димда она Ватанимизнинг порлоқ келажиги намён бўлди.

Пленум иштирокчилари янги ташкил этилган территориялар иш-лаб чиқариш кўлхоз-совхоз бош-қармаларининг қишлоқ хўжалиги-ни юксалтириш йўлида дурусти-на ишлар қилаётганликларини алоҳида қайд қилдилар. Дарҳақи-қат шундай. Бу бошқармалар ту-зилганидан сўнг уларнинг мутахас-ислари ҳар бир хўжаликнинг эво-люциясини сиқиклаб ўргандилар, қолоқ хўжалик-арни ўрта миё-на ва илгўр хўжаликлар дара-жасига кўтариш йўлида самарали ишлар қилдилар. Буни бизнинг бошқармаимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бошқармаимизга тўрт район қа-райди. Уларнинг ҳар бири қиш-лоқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳалари билан шуғулланади. Би-зда пахтачилик асосий ўринда ту-ради. Бу йил бошқармаимиздаги хўжаликларнинг меҳнатқиларни ўз оқилларига бошқарма бўйи-ча ҳар гектар ердан 25 цент-нердан нам пахта оладиган бирор-та колхоз ёки совхознинг бўлма-ғилига эришиш вазифини қўйган эдилар. Ҳозир қувонч билан шун-и қайд қилиш мумкинки, шу чу-ғача бошқармаимизда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 27 центнер дан ошириб «оқ олтин» олинди.

Юз беган табиий қийинчилик-ларга қарамасдан бошқармаимиз-даги кўпгина хўжаликлар бу йил ҳар гектар ердан 30—35 центнер-дан хосил олишга муваффақ бўл-дилар. Чиноз районидида Киров номи колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутаты Турсуной Охунова бошлиқ трактордалачи-лик бригадаси, Қуйи Чирчиқ рай-онидида «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг ўрток Нор-матов бошлиқ бригадаси ҳар гек-тар ердан 40—48 центнердан ҳос-ил олдилар.

Бу йил бошқармаимиз хўжалик-ларига қанол етиштириш 8 ми-нг тоннага, махнакўхори 3 ми-нг тон-нага кўпайди. Ем-хашак базаси анча мустаҳкамланди. Ўтган йил-даги нисбатан бу йил ҳар бир йорамол ҳисобига уч тоннадан кўп силос босирилди. Буларнинг ҳам-маси колхоз ва совхозларда чор-ваччилик маҳсулотларини кўпайти-



Ўзбекистон ССР Фанлар акаде-миясини Полимерлар кимёси инсти-тутининг гидролиз лабораторияси-да муҳим темаларда илмий-тадқи-қотлар олиб борилаётир. Бу ерда гидролиз саноти технологиясини таъминлаштириш масаласи билан ҳам шуғулланмоқда. СУ-РАТДА: маданий илмий ходим М. ЭШМУХАМЕДОВА янги ҳосил қилинган маҳсулотнинг кимёвий ҳоссасини кўздан кечирмоқда.

## Пленум қарори нашр этилди

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўрток Н. С. Хрущёвнинг доклады юзасидан 1962 йил 23 ноябрда қабул қилган «СССР экономикасини ривожлантириш ва халқ хўжалигини тарқатиш тўғрисида» қарорнинг тексти брошюра бўлиб босмадан чиқди. Брошюра-ни Давлат сийоси адабиёт нашри-ёти кўп нусхада нашр қилди. (ТАСС).

Воку радио заводида ишлаб чи-қарилаётган «Рекорд» телеизо-рининг танарики шу тизимда теле-визионларни жуда кўпай ишлаб чи-қаришнинг ташкил этган Воро-неж халқ хўжалиги кенгашининг радио заводида ишлаб чиқарила-ётган телевизорнинг танарикидан бир ярим баравар қimmatга туш-моқда.

(Н. С. ХРУЩЕВНИНГ КПСС Марказий Комитетининг но-ябрь Пленумида қилган док-ладидан).



ФАРҚИ — ТАННАРХИ

Қуралсаларим, ҳар бир киши хушга келган ишни тутмоқда. Ҳар бир фабрика янги буюмининг лойихасини тузади экан, бу ишни кўпгина эски буюмининг ёмон бўл-ганлиги учун қилаётгани янги, балки конструктор гарчи ярамас бўлса ҳам, «ў» стили ёни шифо-ғини яратиб шу билан номини абадилаштириб қўйиши астаб-таб-таб илмий учун қиямоқда!

(Н. С. ХРУЩЕВНИНГ КПСС Марказий Комитетининг но-ябрь Пленумида қилган док-ладидан).



ҲАР КАЛЛАДА БИР ХАЕЛ

## ДОВОН ОШАМИЗ

А. АБДУХАМИДОВ,  
160-қурилиш трести бошқарувчиси.  
П. ЕҚУБОВ,  
трест партия комитетининг секретари.

НИКИТА СЕРГЕЕВИЧ ХРУШ-ЧЕВНИНГ партия Марказий Ко-митети ноябрь Пленумида қилган докладыда санот ва қурилишга партия раҳбарлиги, халқ хўжали-гининг бу соҳасини кенг ихтисос-лаштириш юзасидан айтган фикр-лари биз қурилиш ташкилотлари ходимлари олдида янги талаблар ва янги-янги вазибалар кўйди.

Докладыда қайд қилингандек баъзи объектларнинг лойиҳалар материаллар, машина ускуналар билан вақтида таъминланмасдан планлаштирилиши капитал қури-лиш ишларини кечиктириб юбо-раётир. Буни 160-қ у р и л и ш трести мисолида яққол кўриш мумкин. Трестимиздаги йирик объектлардан ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металллар ком-бинати цехлари қурилишининг 60 мундарида битказ олмаганимиз-нинг сабаби лойиҳа-смет ва ҳуж-жатларнинг кечикиб олганили-гимизда бўлди. Ҳужжатларнинг

сўнги қисмлари шу йил апрель ойларида қўлимизга теғди. Унинг устига лойиҳадаги конструкция қисмларини тайёрлаш шароити-я ва имкониятимизга мос келмади. Чунки цехнинг асосий корпуси-ни яхлит темир-бетон каркаслар ўрнатиб, қовурғали темир-бетон плиталар билан ёпиш лойиҳалан-ган эди. Ҳолбуки, бундай каркас-ларни кўтариб ўрнатишдан кучли қурилар бизда йўқ. Биз каркас-ларни бўлиб-бўлиб ўрнатишга мажбур бўлдик, бетон плиталар ўрнига эса ундан анча енгил бўл-ган маҳаллий керамзит бетон иш-латдик. Лойиҳачиларнинг шаро-итимизни ҳисобга олмаганлиги ишларимизни кечиктириб юборди. Бу жиҳатдан Пленум қарорлари-даги лойиҳалаш конструкторлик ташкилотларини ишлаб чиқариш принципини асосида ихтисослашти-риш йини мундоқор.

Темир-бетон қурилиш ишлари-да асосий ўринни эгаллаб боса-диганига кўп вақт бўлиб қолди. Би-роқ, темир-бетон буюмларининг тип ва ўлчамлари ниҳоятда кў-пайиб кетди. Бу эса уларни иш-лаб чиқаришнинг қийматлиги тўбора кўпайди. Чирчиқ шаҳридаги 600 ўринли мактаб-интернат учун «Узгоспроект» дерва ва эшик-лар тепасига ўрнатиладиган те-палорларнинг 21 қилини лойиҳа-лабди! Демак, темир-бетон буюм-лар ишлаб чиқаришдан завонимиз 21 хил ўлчамда опалу бўлиб тайёр-лаш керак. Ахир бу танарикини кўтариб юборадик. Афтдан «Узгоспроект» даги ўртоклар бу ҳол билан ҳисоблашмаётир.

Санот объектларининг бир хил ишюотларини турли лойиҳа ин-ститутларининг лойиҳалаш ҳал қил-тиш ва ўлчамлардаги темир-бетон ва металл конструкциялар-ни ишлатиш шарт қилиб қўяди. Бу эса қурилишнинг қийматлиги-ни юбоқмоқда. Республикаимиз-даги ҳамма санот объектлари-нинг қурилиш икисини Ўзбеки-стоннинг бир лойиҳа институтига топшириш мақсада мувофиқлар.

Бу сондаги фотосурат-ларни кеча редакциянинг фото муҳбири В. САЛОВ олиб келди.

Расмларини М. Воробейчиков чизган.

Ваш технологик-конструкторлик бюросининг механизация бўлимида кўп меҳнат талаб иш жараёнларини механизациялаш востилари ишлаб чиқарилади. СУ РАТДА: бўлимнинг бир гурупа конструкторлари (чапдан) Ю. ЗЕ ТИРБЕВ, Ю. КАРЛОВ, Л. ГЕЦО-НОУ ўртоллар пахта териш маш иналари деталлари учун қуйил-малар тайёрлашни, механизациялаш устида суҳбатлашаётирлар.



## ИККИСИ ҲАМ ЭГИЗАК

С. В. СТАРОДУБЦЕВ,  
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси республикамизнинг йирик илм-фан марказидир. Академия институтларида фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш борасида талайгина ишлар қилинди. Мўҳим илмий проблемаларни ҳал қилиш учун бизда ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Атом реак-тори, электрон ҳисоблаш машиналари, юқори вольтли трансформаторлар, оптика аппаратла-ри биз олимлар ихтиёрида. Бу эса, шубҳасиз, йирик санот корхоналари билан бевосита алоқа боғлаб, фаннинг мўҳим соҳаларини ривожлантириш учун имкониятлар беради.

Чирчиқ электротехника комбинати қаттиқ қотишмалар заводи каби йирик корхоналар-да академиянинг ишлаб чиқариш лаборато-риялари ташкил этилди. Бу тажриба ўчоқла-ри фан кўрсатмаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этишнинг чинакам кўприги бўлиб қиз-мақ қилмоқда. «Чирчиқимаш» заводи кол-лектив билан кимёгар олимлар ҳамкорлиги тобора кучаймоқда. Академик М. Набиев раҳ-барлиги қилаётган лаборатория ходимлари корхонанинг қўмағидан баҳраманд бўлиб, йи-ги ҳил мураккаб ўғитни ҳосил қилишди.

Химия институтини билан Самарқанд ва Қў-нон суперфосфат заводлари ўртасида боғлан-ган яқин алоқа йилдан-йилга кенг қулоқ ота-ётганлигини алоҳида эслатиб ўтиш керак. Олим ва мутахассислар суперфосфатни ом-ионизациялашнинг янги методини ишлаб чиқ-ди-ларки, бу усул туфайли корхона ҳар йили бир неча ўн ми-нг тонна қўшимча ўғит тайёр-лапти.

Айрим илмий муассасалар фаолиятини мар-казлаштириш ҳолда олиб боришнинг ҳам иқ-тисодий фойдаси катта. Бу ўринда академия-нинг ҳисоблаш маркази билан Тошкент Дав-

техника сийосатини ўтказиш соҳасида жуда тўри тадбирларни белгилади. Чунки, комму-низмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш талаб этади. Бу эса, шубҳасиз, фан ходимлари ишидаги параллелизм ва тарқоқликни тугатишга олиб келади.

Сир эмаски, пахта териш машиналарининг янги намуналарини яратиш устида пахтачи-лик бўйича Давлат маҳсуе конструкторлик бюроси, республика Фанлар академияси, САИМЕ, Тошкент Давлат политехника ин-ститутини шуғулланмоқда. Бу ҳам параллелизмнинг ўзгинаси. Еки ишлаб чиқариш про-цессларини автоматлаштириш масаласини олиб кўрайлик. Республика Фанлар академия-си, республика Халқ Хўжалиги кенгашининг маҳсуе конструкторлик бюроси, республика олий ўқув юрталари автоматлаштириш масала-лари билан шуғулланмоқда. Шунингдек, ранги металлургия ва кон саноти бўйича ҳам республика Фанлар академияси, олий ўқув юрталари ва бир неча муассасалар параллелизмда шуғулланиб келаятганлигини айтиб ўтиш керак. Шунинг учун ҳам бир-бирига яқин соҳалар бўйича иш олиб бораётган му-ассасаларни ягона марказга бириштириш ло-зим.

Ҳозир Ўрта Осиё республикаларида юзга яқин институт ишлаб турибди. Бироқ, айри-ларининг фаолияти бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Шунинг учун ҳар бир институт мустақил масалалар билан шуғулланишга ўтқиш лозим.

Партия Марказий Комитетининг Пленуми фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини таъин ҳам мустаҳкамлашга даъват этган экан, республика Фанлар академияси олимлари бу кўрсатмага амал қилиб, техника прогресси-нинг янги марраларини эгаллаш, халқ хўжа-лиги фан кўрсатмаларини кенг жорий этиш учун маҳкам бел боғладилар. Чунки, илм аҳдлари халқ хўжалигининг ҳар қандай тар-моғи илм-фанга таъинини яхши билдилар.

# ЗАМОНГА МОС

## БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ...

Назира ЙУЛДОШЕВА,

Сирдарё районидagi Ленин номи колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

НОВАРЬ ПЛЕНУМИ ХАММАМИЗНИНГ КУНЛИМИЗДА анча вақтдан бери туғун бўлиб келиб келатган муҳим масалаларни ҳал қилди. Бундай уйлаб қарасан, қилмоқ хўжалиги ҳамон бирёқлама раҳбарлик қилиб келинар экан. Бунини кўп мисолларда кўриш мумкин. Мисолга ҳосилдорлик масаласини олайлик. Бир вақтлар районимиздаги Оқунбобоев номи, Қ. Маркс номи, Куйбишев номи колхозлар пахта-

дан натта хирмон кўтариб келган. Ҳозир ҳам пахта ҳосилдорлиги плани белгилаб қаратилганда бошқа хўжаликларга қараганда бу колхозларга 4—5 центнер ортқи юк кўйилади. Шундай колхозлар бори, улар учун план берилганда район раҳбарлари «бу хўжалик намҳосилли, бунга намроқ тош кўйиш керак» деб турнашади.

Хўш энди нега бир районда, бир хил шароитда бўлган бир хилдаги хўжалиқлар ҳосилдорлик жиҳатидан бир-бириндан натта фарқи қилади? Нега биттасига ҳар йили центнер устига центнер кўйилаверади-ю, биттаси ҳар рақамнинг ўзида 10—15 йиллаб қимирламай тураверади? Бунини содда қилиб айтганда бир насага ўхшатиш мумкин: баъзи аравакашлар бўлади. Отининг биттаси тезоб, биттаси қирақаш, қамчи ирсатса орқага тисрилади. Шунинг учун ҳалиги тасаввур ҳамон тортидан отга индамай, яхши тортидан отга қамчи босаверади. Қишлоқ хўжалигининг паст-баланд планлаштириш ҳам шунга ўхшайди. Бир хўжалиқнинг раҳбарлари ҳалол ишлаб, бутун коллективни план ва мажбуриятлари бажаришга сафарбар қиладилар. Бундай хўжалиқ бу йил 25 центнер ҳосил олиб плани бажарса, келгуси йили 26 центнер, уни ҳам бажарса 27, 28 центнер юзасидан план берилса, раҳбарнинг охиридаги ҳақида қандайдиган йўқ, албатта. Маълумотида турли хомашлар қатори кўп пахта ҳам керак. Ил сабини ҳосилдорлигини ошириб бораётган деҳқоннинг отасининг раҳмат. Гап шунданки, нуно, шининг кўзини билмайдиган раҳбарлар тубайли плани бажармаётган ёки баъзу бажармаётган хўжалиқлар билан кўп интиқилмайди. Раҳбарларнинг наздида бундай колхоз ёки совхоз сира ўнганмайди. Бундан ортқи ҳосил етиштиришга қараганда хўжалик бўлиб кўрилади. Шундан кейин райком секретари дейсизми, райинроком раиси дейсизми — ҳаммаси илгор хўжалик бориб, «ҳа бўл-ҳа бўл» қилаверади-да, қолоқ хўжалик билан ҳеч ним шуғулланмайди.

Бизнинг районимиздаги Оқунбобоев номи колхоз 1961 йилда ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштиришга, плани бажара олмади. Шу хўжалиқдан амриб чикдан Ҳамза номи колхоз эса ундан бир неча центнер кам ҳосил берса ҳам плани бажарди. Раис газетасида, ҳатто область газеталарида

Ҳамза номи колхоз бир неча марта мақталди. Аммо ундан анча юқори ҳосил етиштирган Оқунбобоев номи колхоз пахтаорлари ҳақида бир оғиз гап айтилмади. Бир томондан қараганда бу тўғри албатта, Бирок инкинчи томондан бу нотўғри. Бу колхозларнинг ери ҳам, суви ҳам, одамлари ҳам бир хил. Бир хил навли пахта экишган, Нега энди ҳар инкала хўжаликка бир хилда талаб кўйилмайди?

Бизнинг колхозимиз ҳам районнинг юқори ҳосилли хўжалиқлари қаторида туради. Утган йили салкам 30 центнердан ҳосил кўтарган эдик. Бу йил ҳам шундан нам бўлмайди. Плани бажариш арафасида турибмиз. Районимизда Свердлов номи, «Ҳақиқат», «Коммунизм» сингари колхозлар бори, улар ҳосилдорлигини бизнинг ундан инки исчимизга етказса «Гигант» колхоз эса 17 центнердан ҳосил берса, плани бажарди. Афсуски бу колхозлар бу йилги плани бажаришда ҳам биздан анча орқада қолмоқда.

«Ленинград» колхозини аъзолари ҳар гектар ердан 31 центнердан «оқ олтин» олиш учун курашмоқдалар. Улар маррага етай деб қилишди. Бу хўжаликда ҳосилдорлик ҳам юқори, плани бажаришда ҳам пешнада бўлиб келмоқда. Бунинг сабаби шунки «колхоз правлениси, партия ташкилоти қишлоқ хўжалиқига ишнинг кўзини билб раҳбар пахта терининг мажбуриятларига яхши эътибор бермас эди. Бу йил шундай ажойиб иш қилиндики, «Ленинград» колхозини машина терининг ҳиммати районгагина эмас, бутун бошқарилганда намойиш қилди. Илгари кўп раҳбарлар машинада пахта терилса, ҳосилдорлик намойиш етатиб дер эдилар. Бирок гап «Ленинград» колхозининг тажрибаси ҳамма ишнинг тўла мажбуриятларини орқали ҳам мўл, ҳам арзон пахта етиштириш мумкинлигини амалда кўрсатди.

Уйлаб кўринг, Валентин Топно бир неча йиллардан бери мўл ва арзон пахта етиштириб келди. Бунинг ҳаммаси биланми. Ҳамма колхозлар билан кўп интиқилмайди. Улар биздан пахтачилликни тўла мажбуриятларини деб қаттиқ талаб қилишди. Антимаханизаторлар қилиш қилсан ҳам тузуноқ жазоламайдилар. Биз ҳам ўз билганимизни қилиб кетаваримиз. Оқибатда ҳамма оғирлик одамларга тушади.

Ноябрь Пленуми қарорлари ҳаммамиз учун асосий дарслик бўлиши керак. Энди аввал маълумотлик қилиб, охирида аттанг қишлоққа чеки кўйлик. Ҳаммамиз қишлоқ ҳужумлигига бир ёқадан бош чиқариб раҳбарлик қилайлик! Эндиги вазифа мана шу!

● Колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тўхтовсиз ўстириш ва улардан энг яхши фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни ва хўжаликни бошқариш методларини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз юксалтириш ҳамда яхши меҳнат учун, энг яхши натижалар учун — юқорида ҳақ, деган принципга қатъий риоя қилиш — колхоз ва совхозларни ривожлантиришнинг иқтисодий негизидир.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНING ПРОГРАММАСИДАН.

## ОСМОНЧА ФАРҚ. НЕГА?

Пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотга назар ташланг. Областадаги энг йилри пахтакор хўжалиқлардан ҳисобланган «Оққўрғон» совхозини энг охиридан инкинчи ўринда турибди. План индигина 56 процент атрофида бажарилибди. Унинг кўшиси ери-ерига туташ «УзССР беш йиллиги» совхозини энг охиридан турибди. Бу совхозда план 110 процентга етиб қолди. Офарин! Ажабо. Бунинг сирини нимада? Нега Қўйи Чирчиқдаги совхозда ҳосилдорлик йилдан-йилга ортқи боради-ю, «Оққўрғон» совхозини ҳосилдорлик сайиб, таннархи қимматлиги кетмоқда?

Совхознинг ери ёмонли, ориглаб қолгани? Уста деҳқонларнинг айтишига қараганда «Оққўрғон» совхозининг ерларидан нолиб бўлмайди. Унинг ерлари ҳатто «УзССР беш йиллиги» совхозининг ерларига қараганда ҳам ҳосилдор.

Сув етишмай қолдики? Бундай дейиш ҳам инсофдан бўлмайди. Гарчи бу йил умуман сув танқислиги бўлиб берган бўлса ҳам лекин «Оққўрғон» совхозини сув ҳам йилдан-йилга яхши бўлибди. Тошкент сув омбори хўжалиқнинг ёнгинасида.

«УЗССР БЕШ ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИ

Йиллар	Бир гектардан (центнер)	Бир машинада (тонна)	Таннарх (центнер)
1959	25,6	65,3	18,26
1960	26,1	46,9	19,52
1961	30,6	55,5	17,32
1962	30,0	58,8	18,17

Пахта майдонлари кенгайиб, куч етишмай қолдики? Вақти қараганда бу даъво тўғридек кўринади. Бироқ совхоз кудратли техникага эга, оғир ишларни техника гардонига юкляб, ҳар қанча майдонда ҳам мўл ҳосил етиштирса бўлади.

«Ахир сир нимада? Нега утган йили 24,7 центнердан ҳосил олиган совхозда бу йил ҳосилдорлик деярлик тенг барабар, қаммайб кетди.

— Мен сизга айтсам, биродар, — дейди вақтинча директорлик вазифасини бажармаётган совхознинг бош агрономи ўртоқ Н. Б. Большапов, — биринчидан, ақш вақтида

И. ШАКАЛОВ, Гулистон районидagi «Первомаец» совхозининг директори.

Ноябрь Пленуми ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигини яхшилаш соҳасида туб бурилиш ясади. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ердан унумли фойдаланиш хуқуқиди қимматли гаплари биз чорвалорларга ҳам тааллуқли. Бизнинг атрофимизда уч қўшни колхоз бор. Бу хўжалиқларнинг ерини бирга қўшиб ҳисоблаганда бизнинг еримиздан 11—12 баравар катта. Бироқ бу уч колхоз биргаликда бизга нисбатан оз гўшт ва сўт етиштириди. Өхтимол бу колхозларда пахтачилликка асосий эътибор берилиб, чорвачилик ёмон аҳволда қолдирилганлиги деб ўйларсан. Йўқ, бу хўжалиқларда пахта ҳосилдорлиги ҳам нисбатан паст. Ганинг лўндаи шуки, «Коммуна», «Ленинград», «Коммунизм» колхозларида ерининг қадрига етилмайди. Шунинг учун чорвачилик ҳам ёмон аҳволда, пахтачиллик ҳам. Бу йил биз 311 тонна гўшт етиштириш мажбуриятини олганмиз. Бу — сугорилган гектардан 100 гектар ер ҳисобига салкам 900 центнердан гўшт етиштириш демандир. Сўт етиштиришдаги режамиз ҳам катта. Ҳар бир соғин сугирдан 3100 литрдан, жами 500 тонна сўт соғиб оламиз. Октябрь байраминга

Совхозда бўлим бошқарувчилик вазифасини ўз маҳрига тушган деб билувчи, топширилган иш тўғрисида астойдил қайғирмайдиган кишилар борки, буларга талабчанликни оширмасдан ёки ўз вазифасидан озоқ қилмасдан пахта етиштиришни кўпайтириб бўлмайди. Мана, Инъом Гуломовни олайлик. Бу ўртоқ бошлиқ бўлимининг проценти тўрт йилдан бун 40—55 да қилиб кетди. Лекин Гуломов ҳар йили ваъда бераверилган чарчамайди.

Жума Ёлчибоев. Ун йилдан бун бўлим бошлиғи. Атиги бир марта план тўлғизган. Бу йил ҳам ишнинг бориши ҳеч кимни қаноатлантирмади. В. Д. Адамченко. У саккиз йилдан бун бўлимга раҳбарлик қилди. Лекин бирон йил план тўлғизган эмас. Унинг шахсий делосини қарасангиз ёниш шарт билан дейилган инговорлар тўлиб кетган.

«ОҚҚҮРҒОН» СОВХОЗИ

Йиллар	Бир гектардан (центнер)	Бир машинада (тонна)	Таннарх (центнер)
1959	26,7	36,4	17,46
1960	19,6	41,6	23,89
1961	24,7	29,3	20,88
1962	13,1	10,9	26,34

Ана шундай кишилар ҳар йили қоп-қоп ваъда бераверса, лекин ўз сўзининг устидан чиқиб ўтуш ҳаракат қилмас, қандай қилиб совхозни олға бостириш мумкин. Ахир бу бўлимларнинг ҳар бири битта колхоз деган сўз. Ҳар бирда 600—800 гектардан ер пахта етиштирилади.

«Бизда шундай ходимлар бори, қабул қилинган қарорларни бажармай қолдирилди, лекин ана шу қарорларни амалга оширишга нелганда маъмуриятчиллик кўрсатдилар ва омиқлик қилиб қолдилар». Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумида қилган декларацияда айтилган ана шу гаплар — бу совхоз раҳбарлигига ҳам тааллуқли.

Ҳозир ҳам ишнинг бориши талабга жавоб бермайди. Совхоз шу зайдга кетаваримиз ёки хўжаликни олға бостириш, доғларни ювиш учун зарур тадбирий чора қўрилади? Ҳозир совхоз пахтакорларини ана шу масала ташвишлантирмақда.

Н. РИХСНЕВ.

## ОҚИЛОНА ТАДБИР

Рўй-рост айтиш керакки, ҳозирги район партия комитетлари кўпгина қишлоқ хўжалигини билан шуғулланган мавжуд сановат ишлаб чиқариш билан жуда кам қизиқдилар. Бунинг қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. Гулистон районига 10 дан ортқи сановат корхонаси бор. Лекин шу нарса қизиқки, район партия комитети ашаратида сановатини дурустроқ биладиган, техниканинг тилига тушунадиган бирорта ходим йўқ. Хўш, район қандай қилиб сановат корхоналарини ишлаб чиқаришга амалий раҳбарлик қила олади. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда район партия комитетлари сановат партия ташкилотларининг фаолиятини анализ қилишга коммунистларнинг аъзоллик бадалларини тўлашлари, корхонада ишлаб чиқариш планининг бажарилишини текширишдан нарга ўтмайдилар. Ваҳоланки, бу ерда ишлаб чиқариш илгорлари, рационализаторлар, ихтирочилар жуда кўп топилади. Лекин уларнинг тажрибаларини умумлаштириш, оммалаштириш билан қандамкам шуғулланилади. Шу жандан қараганда зона (туркум) партия комитетларининг тузилиши ижобий роль ўйнаши аниқ.

Район партия комитетларининг ҳозирги фаолиятидаги ана бир қамчилик шуки, ўтказилган семинарларда ишлаб чиқариш экономикасини ўрганиш жуда юзак олиб берилди. Район партия комитетининг инструкторлари хўжалиқларда бўлганларидан партиявий ишларнинг қандай йўлга қўйилганлиги, бошланғич партия ташкилотининг ишлаб чиқаришга раҳбарлиги қай даражада эканлиги билан кам қизиқдилар қишлоқ хўжалик экономикасини юксалтириш йўллариини сиқиқлаб ўрганишдилар.

Тадбиротил ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари тузилган, улар хўжалиқларнинг экономикасини юксалтиришга янда яқиндан раҳбарлик қилиш инъониятига эга бўладилар. Ҳозир бизнинг бошқармага қарашли хўжалиқларнинг меҳнатчилари Пленум қарорига жаован қишлоқ хўжалик махсулотларини кўпайтириш йўлида тинмай ишламоқдалар.

А. Н. ШАХМАТОВ, область партия комитетининг Сирдарё колхоз. совхоз ишлаб чиқариш бошқармасидagi инструктори.

## ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ ҚОР ЁНАР

С. НОДИРМАТОВ,

«Фарҳод» совхозини 5. бўлимининг бошқарувчиси.

нинг турли томонлардан чўл қувувчилар келиши. Бу йил 1250 гектар ерга чигит эдик. Шундан 1000 гектар ерга тажриба тариқасида қатор ораларини бир метрлик қилиб чигит эдик.

Механизациядан тўғри фойдаланиш тўғрисида катта оқинлиги. Бизда ҳар бир пахтакор ҳисобига 10—12 гектар ер тўғри келади. Исом-жон — Абдуллаев, Александр Кошелев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда эса 200 — 250 гектар ерда 5—6 киши ишламоқда. Бу механизациянинг қаромати.

Биз машинада 625 тонна пахта терилиши керак эди. Механизаторларимиз бу плани 150 процент қилиб бажардилар. Яна бир нарсадан катта фойда кўриямиз. Бўлимиз эгилувчан шланглар орқали сугорини системасига кўчган. М-2 каналдан экинга сув тарқатадиган колонкаларга сув ер остидаги ёпиқ труба-ларда боради. Бу усулнинг фойдаси шуки, сув тежалади, сувнинг иш унуми 2 — 2,5 баравар ортади.

Бўлимиз пахтакорлари янги ерлар ўзлаштириб, бу йил инкинчи марта чўлдан ҳосил олмақдалар. Биринчи йилда ҳосилдорлик 8,5 центнер бўлса, бу йил 18 центнерга етди.

УЛУГ ВАТАН УРУШИ БУЛАБТАН ОГИР ЙИЛЛАР ЭСИМДА. Уша пайтда деҳқончилик қилиш ҳам жуда қийин эди. Тракторлар йўқ. От омон, ҳўкиз омон билан ер тирнаб чигит экардик. Нўнча вақт экиб қилиб, ерини кетмон билан чорларидан, кўл билан уялаб чигит экардик. Эндики даврини қаранг. Деҳқоннинг оғири енгил бўлди. Қишлоқ хўжалиқининг қайси тармоғи механизацияга бошқарилади? Ҳеч қайси! Энди деҳқон деганда елкасини кетмон ташлагани, қўли қаддоқ бўлиб кетган оламини эмас, комбинзон кийиб машина рулин, бошқармаётган кишини кўз олдинга келтирмасан.

Мен бўлимимизда қилинаётган ишлар ҳақида 3—4 оғиз гапириб берайман. Олтинчи йилнинг охирида ҳам бу ерлар фақат қўлданги тилх унуб, май охирида қонжираб қолдиган бўз ер эди. Минг тўққиз юз олтиш биринчи йилнинг дастлабки инки ойна давомига 1530 гектар ер ўзлаштириб, экишга тайёрландик. Шу майдоннинг ҳаммасига чигит эдик. Кузга келиб ҳар гектар ердан 8,5 центнердан ҳосил олдик. Бу кичик рақам жуда оғир меҳнатнинг, ажойиб ватанпарварликнинг самараси эди. Сабаби шуки, еримиз сершағал, бир умр сув келмаган. Бунинг устига тез-тез шамол, буронлар бўлиб турадиган бу оқиқ далада уй-жой йўқ. Бошпанамиз 2—3 донна кўча вагон уйлар эди, холос.

Партия қардас «лабай» деб жаов бериб, қалқиб оёққа турадиган халқимиз бор. Бизнинг бўлимга ҳам республика-

майдонимиз жуда кичик. Агар бизда ҳозиргидек 360 эмас, 800—1000 гектар еримиз бўлганда чорвачилик махсулотлари етиштириш ва таннархини арзонлаштириш соҳасида жуда ажойиб натижаларга эришар эдик. Мана бир мисол. «Коммунизм» колхозини 1230 гектар ерга пахта экиб, план бўйича 2 минг тонна ҳосил топширади. Бироқ ўтган йили планини 60 процент қилиб бажарди. Бу йил ҳам аҳвол ёмон. План анди 32 процент бажарилиди. Биз бирнеча йилдан бери шу колхоз ерларини бизнинг совхозимизга қўшиб беришни илтимос қиламиз. Бироқ ҳеч ким бунга эътибор бермайди. Шундай қилинганда эди биз ҳозирдан 400—500 гектар ердан ҳозирги «Коммунизм» колхозини бераётганидан кўпроқ пахта ҳосили олардик. Бу давлатга ҳам, пахтакорлар, чорвалорларга ҳам натта ёрдам бўларди.

Биз бундан бун ҳам чорвачилик махсулотларини кўпайтираверамиз. Ердан унумли фойдаланиб маънавий хўжалик номига яраша ишлаймиз.

Калинин районидagi «Коммунизм» колхозини қорамолларни боғламасдан боқиб яхши йўлга қўйилган.

СУРАТДА: соғин сугирлар ййлобди.



◆ Молли колхоз—мойли колхоз.  
◆ Молга берсанг сўз емши.  
◆ Боқар сени ёзу-қил.  
◆ Молнинг зотли бўлса,  
◆ Емининг тотли бўлар.  
◆ Сигирнинг сўти тилида.

